

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БУРХАНОВА МАШХУРАХОН МУХАММАД ҚИЗИ

**КРЕОЛИЗАТИВ МАТНЛАРНИНГ ПАРАЛИНГВОПОЭТИК
ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
philological sciences**

Бурханова Машхурахон Муҳаммад қизи Креолизатив матнларнинг паралинговпоэтик тадқиқи.....	5
Бурханова Машхурахон Муҳаммад қизи Паралинговпоэтическое исследование креолизирующих текстов.....	27
Бурханова Машхурахон Муҳаммад қизи Paralinguistic and poetic study of creolizing texts.....	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	55

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БУРХАНОВА МАШХУРАХОН МУХАММАД ҚИЗИ

КРЕОЛИЗАТИВ МАТНЛАРНИНГ ПАРАЛИНГВОПОЭТИК ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ФАРҒОНА – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.4.PhD/Fil2036 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университети тилшунослик кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Фарғона давлат университети веб-саҳифасининг www.fdu.uz ҳамда “Ziynet” ахборот-таълим порталининг www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Розикова Гулбахор Зайлобидиновна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: Набиева Дилора Абдулхамидовна
филология фанлари доктори, профессор

Худойберганова Дурдона Сидиковна
филология фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот: Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “29” куни июнь соат 09:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (99873) 244-44-29; факс: (873) 244-66-03; e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (166 рақами билан рўйхатга олинган).

(Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-44-02.

Диссертация автореферати 2022 йил “15” куни июнь даги 48 рақамли реестр баёниномаси).



Ш.М.Искандарова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д.,
профессор

Т.М.Зокиров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш
котиби, ф.ф.н, доцент

А.Б.Мамажонов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси,
ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида креолизатив матн бирликларининг структур яхлитлиги, паралингвистика системасининг концептуал асослари ҳамда коммуникантлар мулоқотида гносеологик парадигманинг ўрни масалалари кенг тадқиқ этилмоқда. Шу боис замонавий тилшуносликда новербал воситаларнинг семиотик моҳиятини белгилаш, уларни семиологик тамойиллар асосида таснифлаш ва тизимлаштириш, новербал семиотик тизимда ольфактор репрезентациянинг когнитив асослари, ҳид феномени ва концептуал парадигманинг шаклланиши ҳамда уларнинг паралингвопозетик таҳлили масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунё тилшунослигида лингвистика, унга ёндош бўлган паралингвистика, хусусан, новербал семиотик воситаларнинг мулоқот жараёнидаги ўрни, алоқа-аралашувда уларнинг муштарак ифодаси каби масалаларга эътибор кучайган. Ольфактор воситаларни коммуникация аспектида тадқиқ этиш уларнинг концептуал асосини белгилаш билан боғлиқ. Мулоқот жараёнида мазкур воситалар бошқа ифода бирликлари каби ўзининг репрезентатив асосига эга бўлиб, улар когнитив тамойиллар негизида шаклланади. Ольфактор тизимга оид концептларнинг репрезентацияланиши ва лисоний ифодаси, хусусан, инсон тасаввуридаги ҳидга асосланган хотирага ишора қилиш, дейктик ҳамда лингвопозетик хусусиятларини ўрганиш долзарблик касб этади.

Бугунги кунда ўзбек тилшунослари коммуникациянинг вербал тизимига доир изланишларда катта ютуқларга эришганлар. Мулоқотнинг новербал системасига доир тадқиқотлар ҳам амалга оширилган бўлса-да, уларда ифода воситаларининг креолизатив функциялари тўлиқ ўрганилган, деб бўлмайди. Илмий адабиётларда новербал воситалар талқини ва таснифида турли қарашларнинг давом этаётгани ҳам шундан далолат беради. Бу ҳолат новербал ифода воситаларига семиотик нуқтаи назардан ёндашиш заруратини талаб қилади. Зеро, «...она тилимизнинг бойлигини, унга ҳурматингиз ва муҳаббатингизни тилимизни дунёга тараннум этиш билан кўрсатиш керак»¹. Мамлакатимизда тил соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, ўзбек тили бўйича қабул қилинган қатор қонун ва қарорлар соҳада илмий тадқиқот ишларининг янги босқичга кўтарилишига туртки бўлмоқда. НOVERбал воситалар шаклланишининг когнитив механизмларини аниқлаш ва ўрганиш коммуникация назарияси масалаларининг тўлақонли ёритилиши учун хизмат қилади, шунингдек, новербал семиотика ҳақидаги қарашларнинг илмий асосини мустаҳкамлайди, соҳанинг умумий тадқиқини такомиллаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ – 4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчилари билан суҳбатидан / <https://sputniknews-uz.com>.

университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари; 2017 йил 17 февралдаги ПҚ – 2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида ифода воситаларининг креолизатив тарзда қўлланиши билан боғлиқ масалаларнинг ўрганилиши ўзининг узоқ тарихига эга. Дунё тилшунослигида новербал воситаларга семиотик нуқтаи назардан ёндашув масалалари билиш жараёни билан боғлиқ ҳолда ўрганилди. Билиш жараёни мураккаб структура бўлиб, у оламни киши сезги аъзолари ёрдамида англашдан иборатдир. Инсон ана шу сезги аъзолари орқали олам ва одам билан мулоқот қилади. Инсоннинг олам билан тушуниш ва англашдан иборат бўлган турлича мулоқоти гносеологик структура моҳиятини ташкил қилади. Инсоннинг олам ҳақидаги тасавури, идроки натижаси ўлароқ жамланган билим ва кўникмалар фан соҳаларининг асосидир. Паралингвистика йўналишининг ривожини дунё тилшунослигида Г.В.Колшанский, Т.М.Николаева, БА.Успенский, И.Н.Горелов, Г.Е.Крейдлин, М.Л.Бутовская²; ўзбек тилшунослигида А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, А.Мамажонов, Ш.Сафаров, С.Мўминов, Ш.Искандарова, Д.Лутфуллаева, М.Ҳақимов, Д.Худойберганава,

² Колшанский Г.В. Паралингвистика. – Москва: Наука, 1974; Крейдлин Г.Е. Невербальная семиотика в ее соотношении с вербальной. Дисс.док. ...филол.наук. – М., 2000; Бутовская М.Л. Язык тела: природа и культура (эволюционные и кросс-культурные основы невербальной коммуникация человека). – Москва: Научный мир, 2004.

М.Саидхонов, Н.Юлдашев, Б.Ахмедов³ каби олимларнинг қарашларида ўз ифодасини топмоқда.

Ольфакторлик соҳасига оид изланишлари билан оламга танилган Х.Риндисбахер, Н.А.Трофимова, Н.Л.Зыховская, В.В.Мамцева, Н.А.Рогачева, А.В.Киселёва, И.А.Котенева, М.А.Епанешникова, М.М.Пироговская, Н.С.Павлова, А.В.Халльштайн, Ю.А.Старостина⁴ каби дунё ва рус тилшуносларининг тадқиқотлари мазкур диссертация учун концептуал асос вазифасини бажарди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари» мавзусидаги йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мулоқот жараёнида қўлланадиган новербал воситаларнинг бадиий матнда вербаллашиши ва уларнинг паралингвопоэтик хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ифода воситаларининг коммуникация жараёнидаги креолизатив таркибини ёритиш;

³ Нурмонов А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари ҳақида. – Андижон, 1980; Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2017; Мамажонов А. Текст лингвистикаси. – Тошкент, 1989; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006; Искандарова Ш.М. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф.– Самарқанд, 1993; Мўминов.С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Филол.фан.док. ... дисс.автореф. – Тошкент, 2000; Лутфуллаева Д.Э. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент, 2017; Ҳақимов М.Х. Прагмалингвистика асослари. –Тошкент, 2020; Худойберганаева Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини. Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2015; Саидхонов М. Новербал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1993. –Б.10-17; Юлдашев Н. Паралингвистика. – Нукус, 2011; Ахмедов Б.Р. Паралингвистик воситаларнинг гендерологик ва прагматик тадқиқи: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Андижон, 2021. –145 б.

⁴Rindisbacher H. The Smell of Books: A Cultural-Historical Study of Olfactory Perception in Literature. Ann Arbor: University of Michigan Press, 1992. –267 p.; Рогачева Н.А. Русская лирика рубежа XIX-XX веков: поэтика запаха: Автореф.дисс. ...док. филол. наук. – Екатеринбург, 2011. – С.52; Зыховская Н.Л. Ольфакторий русской прозы XIX века. Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – Екатеринбург, 2016; Котенева И.А. Номинация запаха во французском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Воронеж, 2006; Епанешникова М.А. Феномен запаха в культуре: особенности функционирования в сакральной и профанной сферах. Автореф. дисс. ...канд. культ. наук. – Екатеринбург, 2011; Пироговская М.М. Ольфакторный код воспитание чувствительности в русской городской культуре 1860-1910-х годов. Дисс. ...канд. ист. наук. – Санкт-Петербург, 2015. –290 с.; Халльштайн А.В. Представление ольфакторного пространства в языковой картине мира новоанглийского периода. Дисс. ...канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2015; Киселёва А.В. Языковая репрезентация отрицательных эмоций в невербальном поведении лиц различного социального статуса (на материале англоязычных текстов XX-XXI вв). Дисс..канд. филол. наук. – Иваново, 2019; Рогачева Н.А., Кельметр Э. В.Ольфакторная образность в поэзии Иннокентия Анненского //Вестник Тюменского государственного университета. Гуманитарные исследования. Humanitates/ 2015. Том 1. №1(1). – С.100-101; Трофимова Н.А., Мамцева.В.В. Вербальная репрезентация женских как запахов искусственного происхождения в немецкоязычном романтическом дискурсе. Вестник Томского государственного университета. Филология. – 2019. № 58. – С.71-81; Мамцева В.В. Репрезентация ольфакторности в романтическом дискурсе: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2018; Пироговская М.М. Ольфакторный код и воспитание чувствительности в русской городской культуре 1860-1910-х годов. Автореф. дисс. ...канд. ист. наук. – Санкт-Петербург, 2016. – 22 с; Старостина Ю.А. Метафора как средство языковой реализации концепта “запах” (на материале романа Патрика Зюскинда “Парфюмер. История одного убийцы”). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2010. – С. 22; Котенева И.А. Номинация запаха во французском языке. Дисс. ...канд. филол. наук. – Воронеж, 2006. – С. 181.

новербал воситалар мундарижасини семиотик тамойиллар асосида ажратиш, дифференциациялаш, таснифлаш;

ольфактор тизимга оид илмий парадигманинг шаклланиш тарихи ва гносеологик моҳиятини асослаш;

ольфактор концептуал структура ва унинг лисоний репрезентацияланишининг когнитив асосларини кўрсатиш;

ольфактор бирликларнинг мулоқот жараёнидаги эмотив, дейктик ва лингвопоэтик функцияларини тил далиллари билан изоҳлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбеклар тасаввури учун меъёр деб қабул қилинган ҳид феномени ва бадий адабиёт материаллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети креолизатив матнларнинг паралингвопоэтик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий, тавсифий, таснифий, тасвирий, лингвомаданий, социолингвистик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

коммуникация жараёнида турли ифода воситаларидан параллел фойдаланиш матннинг креолизатив структурасини шакллантиришга хизмат қилиши, бундай матнлар лисоний ва нолисоний воситаларнинг ўзаро уйғунлашуви натижаси эканлиги, нолисоний ифода воситалари коммуникантлар тасаввурида ассоциацияланиши, сезги аъзолари орқали онгда маълумотларнинг қабул қилиниши ва концептуал структуранинг лисоний репрезентацияланиши илмий асосланган;

новербал семиотика термини негизида паралингвистик воситаларнинг замонавий таснифи амалга оширилиб, паралингвистика, кинесика, окулесика, аускультация, ольфакторика, гаптика, гастика, проксемика, хронемика, системалогия каби йўналишлар дифференциацияланган;

коммуникатив ёндош система элементларидан бири сифатида ольфактор воситалар новербал семиотик тушунчалар тамойиллари асосида тасниф қилиниши, улар ҳам бошқа сезгилар каби ахборот узатиш вазифасини бажариши, маълумотларнинг онгда ассоциацияланиши натижасида белги моҳиятининг фарқланиши далилланган;

бадий матнда нолисоний воситаларнинг лисоний репрезентацияси инсон руҳиятини ифодалашда, унга хос бўлган хусусиятларни тасвирлашда, фикрларнинг поэтик ифодасида ва инсон эмоционал ҳолатини кўрсатиб беришда устуворлик касб этиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

новербал семиотик воситаларнинг паралингвопоэтик хусусиятлари, бу воситалар таснифининг гносеологик тамойиллар асосида тадқиқ этилиши, сезги аъзолари орқали қабул қилинадиган ахборотлар онгда репрезентацияланиши ва коммуникациянинг турли воситалари билан ифодаланиши юзасидан олинган хулосалар коммуникатив системанинг тўлақонли бўлишини таъминлаш, ахборот қабул қилиш ва узатишда креолизатив структуранинг ўрнини аниқлашга имкон бериши илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

тадқиқотдан тилшуносликда паралингвистика, лингвопоэтика, риторика ва когнитологиядаги лексик-семантик, функционал-стилистик, лингвокультурологик жараёнларни янада чуқурроқ ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган;

диссертацияда тадқиқ қилинган материаллар энциклопедик қомусий луғатлар тайёрлашда, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукамаллашувида ҳамда коммуникация муаммоларини ҳал қилишда назарий манба бўлиб хизмат қилиши белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, изланиш юзасидан чиқарилган хулосалар унинг методологияси ва методикаси билан уйғунлиги, соҳа бўйича қўйилаётган муаммонинг долзарблиги, янги ва муҳим вазифаларнинг ҳал этилганлиги, лисоний далиллар талқинининг назарий асосланганлиги, тадқиқотнинг ҳимояга олиб чиқилаётган ҳолатлари қиёсий-назарий усуллар ёрдамида ечилганлиги ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация натижалари, хусусан, креолизатив матнларнинг паралингвопоэтик тадқиқи ҳозирги кунда ўзбек тилшунослигида долзарб ҳисобланган коммуникация назарияси, паралингвистика, экстралингвистика, паралингвосемиотика сингари соҳалар бўйича мавжуд илмий маълумотларни кенгайтиради ва мукамаллаштиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан университетларнинг ўқув жараёнида лингвопоэтика, семасиология, когнитив тилшунослик, лингвокультурология фанлари бўйича маъруза ва семинарлар, махсус курсларни ташкил этишда, диссертациялар, монографиялар, дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш, изоҳли, энциклопедик луғатлар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг назарий таклифлари, амалий тавсиялари ва хулосалари қуйидагиларга татбиқ этилган:

коммуникация жараёнида турли ифода воситаларидан параллел фойдаланиш матннинг креолизатив структурасини шакллантиришга хизмат қилиши, бундай матнлар лисоний ва нолисоний воситаларнинг ўзаро уйғунлашуви натижаси эканлиги, коммуникация жараёнида турли система элементларининг муштарак қўлланилиши матнда креолизатив структурани ташкил қилишига доир илмий хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида 2018-2020 йилларда бажарилган BV-Atex-2018 (143) рақамли «Кўзи ожиз шахслар учун компьютер техникасидан фойдаланиш, матнларни ўқиш ва ёзиш имконини берувчи ўзбек тилига асосланган гапирувчи дастурий таъминот ва овоз синтезаторини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий грант лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти

университетининг 2022 йил 11 февралдаги 04/1 – 252-сон маълумотномаси). Натижада ҳид феномени имконияти чекланган болаларнинг оламни англаш ва уни нутқда акс эттиришларида муҳим ўрин тутиши аниқланган;

нолисоний ифода воситалари ҳам ўзининг семиологик белгилари билан коммуникантлар тасавурида ассоциацияланиши, сезги аъзолари орқали онгда маълумотларнинг қабул қилиниши ва концептуал структуранинг лисоний репрезентацияланиши, бадиий матнда нолисоний воситаларнинг лисоний репрезентацияси инсон руҳиятини ифодалашда, эмоционал ҳолатини кўрсатиб беришда устуворлик касб этиши ҳақидаги назарий тавсиялардан Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида ўқитиладиган умумтаълим мактабларининг 11-синф ўқувчилари учун яратилган “Ўзбек тили” дарслигида, 2021-2022 йилларда Қозоғистон ўзбек этномаданият бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамияти қошидаги “Ижодкор” адабий уюшмасининг тарғибот фаолиятида, хусусан, бирлашма томонидан ўтказилган илмий-назарий конференцияларда, ўзбек ва қозоқ олимларининг илмий-ижодий ҳамкорлигига бағишланган илмий-адабий тадбирларда фойдаланилган (Қозоғистон Республикаси ўзбеклари этномаданий бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамиятининг 2022 йил 22 февралдаги далолатномаси). Натижада нолисоний воситалар билан боғлиқ назарий фикрлар дарслик, илмий-назарий конференция материалларининг илмий далиллар билан бойишига хизмат қилган;

бадиий матнда нолисоний воситаларнинг лисоний репрезентацияси инсон руҳиятини ифодалашда, унга хос бўлган хусусиятларни тасвирлашда, фикрларни поэтик либосга ўрашда ва инсон эмоционал ҳолатини кўрсатиб беришда устуворлик касб этиши хусусидаги назарий маълумотлардан “Матн тилшунослиги” дарслигида кенг фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғига асосан 237-317-рақамли рухсатнома). Натижада матн билан боғлиқ назарий фикрлар дарслик материалларининг илмий далиллар билан бойишига хизмат қилган;

нолисоний ифода воситалари ҳам ўзининг семиологик белгилари билан коммуникантлар тасавурида ассоциацияланиши, сезги аъзолари орқали онгда маълумотларни қабул қилиши ва концептуал структурани шакллантириши ҳамда лисоний репрезентацияланиши, паралингвистик воситаларнинг паралингвистика, кинесика, окулесика, аускультация, ольфакторика, гаптика, гастика, проксемика, хронемика, системалогия каби замонавий йўналишлари ҳақида берилган хулоса ва тавсиялардан “Прагмалингвистика асослари” дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғига асосан 418-045 рақамли рухсатнома). Натижада дарслик назарий маълумотлар билан бойиган;

ольфактор воситалар ҳам бошқа сезгилар каби ахборот узатиш вазифасини бажариши, ольфактор репрезентациянинг когнитив асослари, ҳид концептининг субстантив ассоциацияси ва паралингвопоэтик тадқиқига доир илмий хулосаларидан 2020-2021 йилларда ЎзМТРК “O‘zbekiston” телерадиоканалининг “Бедорлик”, “Ижод завқи”, “Таълим ва таракқиёт”,

“Миллат ва маънавият” эшиттиришларининг сценарийсини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2022 йил 18 январдаги 04-36-100- сон маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида, шунингдек, кафедранинг илмий семинарларида муҳокама қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари белгиланган, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Нолисоний семиотик система ва новербал воситалар таснифи”** деб номланган биринчи бобида новербал воситаларга семиотик нуқтаи назардан ёндашилган, уларнинг семиологик ахборот ифодалашига кўра белги эканлиги хусусида фикр юритилган.

Бобнинг биринчи фасли **“Матннинг креолизатив-структур тавсифи”** деб номланади. Тилшуносликда матн лингвистикаси доирасидаги тадқиқотлар лингвопоэтика, психолингвистика, прагмалингвистика, стилистика, лингвокультурология, когнитология, социолингвистика ҳамда коммуникация назарияси каби янги йўналишларнинг қарор топишига омиқ бўлмоқда. Матн лингвистикасини ўрганиш дунё тилшунослигида Х.Изенберг, З.Й.Шмидт, К.Э.Хайдольф, Т.ван.Дейк, Ф.Кифер, А.Вежбицка, М.Р.Майенова, Р.Барт⁵; рус тилшунослигида Л.М.Лосева, В.В.Одинцов,

⁵ Изенберг Х. О предмете лингвистической теории текста // Новое в зарубежной лингвистике. – Москва: Прогресс, 1978. – С.43-57; Шмидт З.Й. “Текст” и “история” как базовые категории// Новое в зарубежной лингвистике. – Москва: Прогресс, 1978. – С. 89-111; Хайдольф К.Э. Контекстные отношения между предложениями в генеративной грамматике // Новое в зарубежной лингвистике. – Москва: Прогресс, 1978. – С. 208-218; Дейк ван Т. Вопросы прагматики текста // Новое в зарубежной лингвистике. – Москва: Прогресс, 1978. – С. 259-337; Кифер Ф. О пресуппозициях // Новое в зарубежной лингвистике. – Москва: Прогресс, 1978. – С. 337-370; Вежбицка А. Метатекст в тексте // Новое в зарубежной лингвистике. – Москва: Прогресс, 1978. – С. 402-425; Майенова М.Р. Теория текста и традиционные проблемы поэтики // Новое в зарубежной

О.И.Москальская, А.И.Новиков, И.Р.Гальперин⁶; ўзбек тилшунослигида А.Мамажонов, Э.Қиличев, М.Ҳақимов, М.Йўлдошев, М.Қурбонова, С.Боймирзаева, М.Абдупаттоевлар⁷нинг ишларида кўзга ташланади. Мазкур тадқиқотлар соҳадаги янги йўналишларни ўрганиш учун туртки бўлди. Креолизатив матнлар ҳам матн лингвистикаси таркибида ўрганиладиган янги йўналишлардан бири бўлиб, бундай матнларда вербал, новербал воситалар, турли хил график белгилар, шрифтлар, расмлар ва жадвал кўринишидаги ахборотлар бир вақтда аралаш ҳолда қўлланади.

“Креолизация” термини тилшуносликда маълум бир ҳудудда истеъмолда бўлган икки ёки ундан ортиқ тилларнинг ўзаро таъсири натижасида аралаш тилнинг (лексик ва грамматик жиҳатдан) шаклланиш жараёнини англатади. Бу термин илмий адабиётларда матн лингвистикаси йўналиши доирасида ҳам қўллана бошланди. Креолизланган матн тушунчаси остида икки ва ундан ортиқ ифода воситаларининг семиотик бирлик сифатида қўлланиши назарда тутилади. Шунинг учун ҳам “тиллар креолизацияси” ва “креолизланган матн”⁸ терминлари билан боғлиқ жиҳатларни фарқлаш керак. Кўринадики, мулоқот асоси саналган матн структураси фақат биргина лингвистик бирликлардан иборат бўлмай, балки унинг таркиби вербал, новербал, нутқий вазият билан боғлиқ барча ифода бирликларидан ҳам ташкил топади. Бугунги кунда рус ва Европа тилшунослигида юзага келаётган поэтик матн тилшунослигига дахлдор ишлар айнан ифода воситаларининг аралаш қўлланиши ва уларнинг функцияларини очиқ беришга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Г.Эйгер, В.Л.Юхт, Р.Якобсон, А.Бернацкая, Ю.Сорокин, Е.Тарасов кабиларнинг ишларида айна ҳодиса “поликод матнлар”⁹, “синкретик хабарлар”¹⁰, “изовербал комплекс”¹¹, “креолизацияланган матнлар”¹² каби турлича терминлар билан аталаётганини кузатамиз. Бу терминологик бирликлар орқали ифодаланган тушунчалар асосида лисоний ва нолисоний

лингвистике. – Москва: Прогресс, 1978. – С.425-442; Барт Р. Лингвистика текста // Новое в зарубежной лингвистике. – Москва: Прогресс, 1978. – С.442-450.

⁶ Лосева Л.М. Как строится текст. – М.: Просвещение, 1980. –94 с.; Одинцов В.В. Стилистика текста. –М.: Наука, 1980. –263 с.; Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – Москва: Наука, 1981. –140 с.; Москальская О.И. Грамматика текста. – М.: Высш.школа, 1981. –183 с.; Новиков А.И. Семантика текста и ее формализация. – М.: Наука, 1983. – 213 с.

⁷ Мамажонов А. Текст лингвистикаси. – Тошкент, 1989; Ҳақимов М. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари. Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 1993; Қиличев Э. Матннинг лингвистик таҳлили. – Бухоро, 2000; Боймирзаева С. Матн мазмунида темпораллик семантикаси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2009; Qurbonova M., Yo'ldoshev M. Matn tilshunosligi. – Toshkent: Universitet, 2014; Мамажонов А., Абдупаттоев М. Матн назарияси. – Фарғона, 2016; Носирова У.И. Поэтик матнларнинг прагматик хусусиятлари. – Фарғона, 2020.

⁸ Магай Е.В. Языкознание. Информационно-поисковый тезаурус. – Москва, 2020. – С.192.

⁹ Эйгер Г.В., Юхт В.Л. К построению типологии текстов // Лингвистика текста: материалы научной конференции при МГПИИЯ им. М.Тореза. Ч. I. – М., 1974. –С.107.

¹⁰ Якобсон Р.О. Язык в отношении к другим системам коммуникации // Р.О.Якобсон Избранные работы. – М.: Наука, 1985.

¹¹ Бернацкая А.А. К проблеме “креолизации” текста: история и современное состояние // речевое общение: Специализированный вестник / Краснояр.гос.ун-т. – Вып. 3 (11). – Красноярск, 2000.

¹² Сорокин Ю.А., Тарасов Е.Ф. Креолизованные тексты и их коммуникативная функция // Оптимизация речевого воздействия. – М., 1990. – С.180-181.

воситалар яхлитлигида шаклланган матн махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилиши муҳимдир.

Бобнинг иккинчи фасли **“Коммуникатив система ва креолизатив-коммуникатив парадигма”** деб номланади. Тил инсон фикрларини ифодаладиган бирламчи табиий восита саналади. Шундай бўлса-да, мулоқот жараёнида у билан бирга алоқанинг бошқа воситалари ҳам фикр ифодалашда иштирок этади. Коммуникация жараёнида бундай вазифа бажаришга хосланган воситалар таркибига экстралингвистик birlikлар ҳам киради. Бу воситалар тилшуносликда коммуникатив ёндош система (подсистема) элементлари деб юритилади. Г.В.Колшанский ҳам паралингвистик воситаларни субъектнинг вербал коммуникациясининг чала томонларини тўлдирадиган коммуникатив подсистема¹³ деб атайди. Креолизатив-коммуникатив парадигма тушунчаси орқали нутқий мулоқот жараёнида вербал, новербал ҳамда экстралингвистик воситаларнинг ўзаро параллел қўлланилиши назарда тутилади. Креолизатив матн “...вербал воситалар билан иллокутив, аралаш ҳолатни ҳосил қиладиган новербал воситалар”¹⁴ ифодаси натижасидир. Бундай қарашни илмий адабиётлардаги статистик маълумотлар билан ҳам асослаш мумкин: “...инсонлар ўртасидаги мулоқот жараёнида вербал воситалар ёрдамида ўзаро ахборот алмашилиш ҳажми асосий ахборот миқдорига нисбатан атиги 7%, новербал сигналлар улуши эса асосий ахборотга нисбатан 93% ни ташкил қилади”¹⁵. Бу масалалар тилшуносликда прагмалингвистика таркибига киради ва мазкур муаммолар ҳали етарлича тадқиқ этилмаган.

Бобнинг учинчи фасли **“Нолисоний система таснифига оид концептуал структуралар”** деб номланади. Ички ва ташқи тилшунослик birlikлари трансформацияси ифода шаклидан қатъи назар, коммуникатив система ва ёндош системалар парадигмасидан иборат бўлади. Ташқи лингвистика таркибидаги новербал воситалар айнан тилга ёндош ҳодисалар бўлгани учун ҳам паралингвистика номи билан умумлаштирилади. Шундай бўлса-да, коммуникация учун хизмат қиладиган нутқнинг ёрдамчи воситалари қаторида яна бошқа – тана тили билан боғлиқ ифода воситалари борлиги ҳисобга олинса, тилнинг барча нолисоний системаси birlikларини биргина “паралингвистика” термини билан номлаб бўлмаслиги аён бўлади.

А.Нурмонов ўзбек тилшунослигида биринчилардан бўлиб паралингвистика соҳасига асос солди¹⁶. М.Саидхонов, Н.Юлдашев, Б.Р.Аҳмедов¹⁷ ларнинг тадқиқотлари соҳадаги бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

¹³ Колшанский Г.В. Паралингвистика. – Москва: Наука, 1974. –Б.6.

¹⁴ Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилдлик. I жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – Б. 216.

¹⁵ Бутовская М.Л. Язык тела: природа и культура (эволюционные и кросс-культурные основы невербальной коммуникация человека). – Москва: Научный мир, 2004. – С.12.

¹⁶ Нурмонов А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари ҳақида. – Андижон, 1980.

¹⁷ Саидхонов М. Новербал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши. Филол. фан .номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1993. –Б.10-17; Юлдашев Н. Паралингвистика. – Нукус, 2011. – С.39; Аҳмедов Б.Р.

Новербал системага мансублиги, семиотик тушунчалар парадигмаси билан белги функциясига эгалиги, ахборот қабул қилиш ва ифодалаш имкониятининг мавжудлиги, мулоқот жараёнида вербал элементлар сингари вазифа бажариши назарда тутилган ҳолда паралингвистика лингвистика тизимидаги қомусий луғатларга киритилган. Шу маънода улар ҳам алоқаралашувнинг новербал структур бирликлари сифатида коммуникантлар ўртасидаги мулоқотни амалга оширишда муҳим ўрин тутди. Бироқ биз таъкидламоқчи бўлган новербал система бирликларини бажарадиган функциялари асосида, уларнинг илмий йўналиши ва моҳиятини ҳисобга олган ҳолда қайта тасниф қилишга эҳтиёж юзага келмоқда.

Тадқиқот давомида новербал структуранинг мулоқот каналлари дастлаб акустик, визуал, тактил-кинестезик ва ольфактор системалардан ташкил топиши илмий манбалар билан асосланган.

Диссертациянинг **“Ольфактор репрезентациянинг лингвокогнитив асослари”** деб номланган иккинчи бобида новербал семиотика таркибида ўрганилувчи ольфактор воситалар ҳақида фикр юритилган.

Бобнинг биринчи фасли **“Новербал воситаларнинг замонавий таснифи”** деб номланади. Новербал тизим элементлари тадқиқига семиологик ёндашув бу соҳада ҳам қатор тадқиқотларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. М.Л.Бутовская инсонларда оламнинг концептуал манзараси барча сезги аъзолари фаолияти натижасида юзага чиқишини, бу концептуал структура новербал мулоқотнинг тасниф тамойиллари учун асос бўлиб хизмат қилишини таъкидлаб, новербал мулоқот таснифида биринчи бўлиб хидлар дунёсига асосланган **“ольфактор коммуникация”**¹⁸ни алоҳида йўналиш сифатида ажратади.

Дунё тилшунослигида новербал воситалар тизимида эндигина шаклланаётган, тилшунослик учун мутлақо янги ҳисобланган **“...окулесика, аускультация, ольфакторика, гаптика, гастика, проксемика, хронемика, системалогия”**¹⁹ каби соҳалар ҳам мавжуддир.

Ольфакция новербал коммуникатив системада борлиқ ва унинг элементлари билан мулоқотни амалга оширувчи хидлар тили ҳақидаги соҳа, фан²⁰. Ольфакция (лот. olfaction) термини одатда хид билиш жараёни (нафас олиш, хидлаш, хидига ўрганиб қолиш, хидларни таниш, фарқлаш)га оид ҳодиса²¹ дир.

Паралингвистик воситаларнинг гендерологик ва прагматик тадқиқи. Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. – Андижон, 2021. –145 б.

¹⁸ Бутовская М.Л. Язык тела: природа и культура (эволюционные и кросс-культурные основы невербальной коммуникация человека). – Москва: Научный мир, 2004. – С. 29-44; *46-91; * 91-111; *111-130. (*белгиси остида берилган терминлар 68-ҳаволадаги манбага тааллуқли).

¹⁹ Крейдлин Г.Е. Невербальная семиотика в ее соотношении с вербальной. Автореф. дисс. ...док. филол. наук. – М., 2000. – С.362.

²⁰ Крейдлин Г.Е. Невербальная семиотика в ее соотношении с вербальной. Дисс. ...док. филол. наук. – Россия, 2009. – С.23.

²¹ Зыховская Н.Л. Ольфакторий русской прозы XIX века. Автореф. дисс. ...док филол. наук. – Екатеринбург, 2016. – С.4.

Ҳид сезгиси билан боғлиқ концептуал структура, ольфакция концепти билан намоён бўлувчи контекстуал структура, ольфактор тасаввур ва тафаккур билан боғлиқ дискурсив контекст, ольфактор номинация ва ольфактор лисоний структура каби муаммолар бугун ўзбек тилшунослигида тадқиқ этилмаган долзарб масалалар сифатида ўз ечимини кутмоқда.

Бобнинг иккинчи фасли “**Ҳид концепти: субстантив ассоциация**” деб номланади. Ольфактория соҳасига бағишланган ишлар²² дунё тилшунослигида салмоқли ўрин тутди. Бироқ бу муаммолар ўзбек тилшунослигида ханузгача изланишлар объекти бўлган эмас. Лекин профессор М.Мукаррамов “Ўхшатишларнинг ҳаммаси сезгилар ва

²²Павлова Н.С. Лексика с семей «запах» в языке, речи и тексте. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2006. –С.172; Котенева И.А. Номинация запаха во французском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Воронеж, 2006; Епанешникова М.А. Феномен запаха в культуре: особенности функционирования в сакральной и профанной сферах. Автореф. дисс. ...канд. культ. наук – Екатеринбург, 2011. – С.125; Пироговская М.М. Ольфакторный код воспитание чувствительности в русской городской культуре 1860-1910-х годов. Дисс. ...канд. ист. наук. – Санкт-Петербург, 2015. –290 с.; Халльштайн А.В. Представление ольфакторного пространства в языковой картине мира новоанглийского периода. Дисс. ...канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2015; Чалей О.В. Концептуализация вкусовых ощущений в естественном языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2017; Стручалина Г.В. Перцептивная метафора в русской языковой картине мира: динамика и лингвопрагматический потенциал. Дисс. ... канд. филол. наук. –Белгород, 2018. – С.198; Киселёва А.В. Языковая репрезентация отрицательных эмоций в невербальном поведении лиц различного социального статуса (на материале англоязычных текстов XX-XXI вв). Дисс...канд. филол. наук. –Иваново, 2019; Зыховская Н.Л. Ольфакторные сюжеты: запах как временная смерть. – Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2013, № 1(2), –С.106-109; Петкаю А.Ю. Ольфакторный образ концепта *здоровье* в русском языковом сознании. Уральский филологический вестник. 2013. № 4. – С.101-109; Рогачева Н.А., Кельметр Э. В.Ольфакторная образность в поэзии Иннокентия Анненского //Вестник Тюменского государственного университета. Гуманитарные исследования. Humanitates/ 2015. Том 1. №1(1). – С.100-101; Валуйцева И.И., Стариченко. Н.С. Парфюмерный запах как объект синестетической метафоры в интернет пространстве // Вестник Московского государственного областного университета. 2015 / №1. – С.35-43; Монгилева Н.В., Аймуханова Д.Т. Архетип как составляющая языкового знака и культуры в аспекте философии постмодернизма (на примере произведения П. Зюскинда «Парфюмер») Вестник ВГУ. Серия: Лингвистика и межкультурная коммуникация. 2018, №1. –С.89-91; Трофимова Н.А., Мамцева.В.В. Вербальная репрезентация женских как запахов искусственного происхождения в немецкоязычном романтическом дискурсе. Вестник Томского государственного университета. Филология. – 2019. № 58. – С.71-81; Косогорова Х.Г., Наместникова А.В. Языковая реализация концепта «запах» (на материале французской версии романа П.Зюскинда «Парфюмер. История одного убийцы»). Верхневолжский филологический вестник, 2020. №2 (21). – С.204-211; Остапова Л.Е. Ольфакторная метафора в парфюмерном рекламном дискурсе. Научный результат. Вопросы теоретической и прикладной лингвистики Т 6. №2. – 2020. – С.52-63; Жук В.И. Репрезентация ольфакторных номинаций в английском языке. Весци.БДПУ. Серия1 2020. № 1. – С.97-100; Маринченко И.А., Васильева Е.В. Функции языковой игры в парфюмерном дискурсе. Филологические науки. Вопросы теории и практики. 2020. Том 3. Выпуск 7. – С.148-153; Иванян Е.П., Иванова П.С. Сравнение ольфакторного модуса перцепции в современной художественной литературе и парфюмерном интернет-дискурсе. Филологические науки. Вопросы теории и практики. – 2021. Том 14. Выпуск 6. – С.1725-1731; Папченко Е.В. Коммуникация в социальном пространстве культуры; Куган Е.И. Ольфакторные номинаты романа Б.Пастернака «Доктор Живаго». Филология и лингвистика; Иванова П.С. Особенности сравнений ольфакторного модуса перцепции в творчестве В.Пелевина. Издательский дом «Среда»; Зыховская Н.Л. Трансформация ольфакторной темы «Райского благоухания» в литературе эстетического креативизма, 2012; Молодкина Ю.Н. Синестетическая метафора запаха (корпусное исследование). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Курск, 2010. – 21 с.

тасаввурлар орқали юзага келади”, дея эътироф этади ва уларни икки гуруҳга ажратади. Биринчи гуруҳ ўхшатишлар сезгиларга асосланиши ва реал бўлган предмет-ҳодисалар қиёсланиши кўрсатилади. Ҳид билиш сезгиси орқали юзага келган ўхшатишлар *Ғўрадан баҳор ҳиди келгандай, колхозимизда бўлаётган ҳар бир ишдан ўша Мирзагулбоғнинг ҳиди келиб туради*²³ мисоли билан асосланади. Инсон сезги органлари ичида ҳид билиш қобилияти унчалик аҳамиятли деб қаралмаган бўлса-да, оламни гносеологик жиҳатдан ўзлаштиришда бу сезги органи энг муҳим вазифаларни бажариб келган ва новербал мулоқот асосини ташкил қилган. Шунинг учун ҳам ольфактор муаммолар дастлаб табиий фанлар доирасидагина ўрганилганлиги маълум. Инсон ҳаёти билан боғлиқ турли “...диний маросимлар, тиббиёт, кулинария ҳамда парфюмерия каби жабҳаларда ҳид муҳим ўрин тутган. Бугун ҳам ҳидлар ўзининг социал, эстетик, илмий ва амалий қимматини йўқотгани йўқ. Улар кишиларнинг кайфиятини кўтаришга, иш қобилиятини оширишга, ҳис-туйғуларига таъсир қилишга, тинчлантиришга, ҳар хил ҳавф-хатарлардан огоҳ қилишга, турли хотиралар билан боғлиқ эмоцияларни тиклашга”²⁴ хизмат қилмоқда.

Ҳид билан боғлиқ масалаларнинг оммалашуви ва амалиёти кўпроқ дин ва тиббиёт соҳаларида кўзга ташланади. “МУБОРАК ҲИД” деб берилган кўйидаги ҳикоя фикримиз далилидир:

*Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак равзаларини зиёрат қилаётган кишининг димоғига жуда ёқимли ҳид урилди. Ўша киши зиёратдан кейин атир дўконига борди ва аттордан «Менга муборак равзада димоғимга урилган атирдан беринг» деди. Сотувчи ҳайрон бўлиб, харидорга қаради ва «Сиз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламини яхши танимас экансиз. Димоғингизга урилган ҳид бирор дўконда сотиладиган атир ҳиди эмас. У ҳид Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрларидан чиқади. Аллоҳ таоло мазкур ҳидни оламларга раҳмат қилиб юборган Пайғамбарининг муборак баданидан тараладиган қилиб қўйган. Ҳаётлик чоғларида қайси кўчадан ўтсалар, ўша кўчада ҳидлари қолар, кимнинг бошини силасалар, ўша кишининг бошидан анча вақтгача ўша иффор таралиб турарди. Мана, вафотларига неча асрлар бўлганига қарамай, ўша ҳид қабрларидан таралиб турибди» деган маънода жавоб берди.*²⁵ Бу мисол асосида шуни айтиш мумкинки, ҳид диний тушунчалар системасида ўзига хос феномендир. Исломда одамларнинг ҳид билан боғлиқ тасаввурлари иффор тушунчаси билан

²³ М.Мукаррамов. Ўзбек тилида ўхшатиш. –Тошкент: Фан, 1976. –Б.26.

²⁴ Трофимова Н.А., Осипова В.В. Ольфакторность как предмет исследования// <https://www.hse.ru/data/2015/03/09/1093831642/%D0%A2%D1%80%D0%BE%D1%84%D0%B8%D0%BC%D0%BE%D0%B2%D0%B0.%20%D0%9E%D1%81%D0%B8%D0%BF%D0%BE%D0%B2%D0%B0.%20%D0%9E%D0%BB%D1%8C%D1%84%D0%B0%D0%BA%D1%82%D0%BE%D1%80%D0%BD%D0%BE%D1%81%D1%82%D1%8C%20%D0%BA%D0%B0%D0%BA%20%D0%BF%D1%80%D0%B5%D0%B4%D0%BC%D0%B5%D1%82%20%D0%B8%D1%81%D1%81%D0%BB%D0%B5%D0%B4%D0%BE%D0%B2%D0%B0%D0%BD%D0%B8%D1%8F.pdf>. Мурожаат санаси: 05.01.2022.

²⁵ <https://telgra.ph/file/bbbf883fsb11db6b20667.jpg>

асосланади. *Ифор* сўзида ёқимлилик белгиси мавжуд бўлиб, у табиий ҳидлар сирасига мансубдир. Бадиий матнда бунга зид ҳолатлар ҳам кўзга ташланади:

*Шохига катта лампочка осилган тут тагидаги супада ёши олтмишлардан ошган бир нотаниш одам ўтирарди. Унинг кўзлари... бундан ўттиз икки йил олдинги Бўрихоннинг кўзлари эди. Кампир, вой болам, деб унга талпинди. Супага югуриб бордим, учиб бордим, билмайди. Бағрида ўғлини кўрди. Ундан ароқ ва шам ёқилган уйнинг ҳиди келарди... Ҳовли жимиб қолди. Қумри она-болага супага жой солиб берди. Кампир боласига тикилиб мижжа қоқмади. Бўрихон тўйғунича ичган эди. **Оғзидан гуп-гуп ароқ ҳиди келиб турибди. Кампир рўмолининг учи билан бурнини беркитганча ўтирибди.** Ростдан ҳам шу одам менинг боламми, деб ўйларди кампир. Қариб кетибди, сочлари тўкилиб, бошининг ярми яланғочланиб қопти. Кўп ичадиган одамлардагина бўладиган захил бир бефайзлик зоҳир эди унинг юзларида. (Саид Аҳмад, "Қоракўз мажнун").*

Контекстдан англашиладики, ҳид концепти ўзида нафақат ижобий, балки салбий баҳо муносабатини ҳам ифодалайди. Умри давомида ислом динига эътиқод қилиб яшаган Саодат ая интиқиб кутган фарзандини кўрганида хурсандлигидан ўзини қўярга жой топа олмайди. Бироқ Бўрихондан келаётган *ароқ ва шам ёқилган уй ҳиди* она кўнглида турли шубҳаларни уйғотади. Ёзувчи *ароқ ҳиди* концепти орқали она ва китобхон тасаввурида ўғилга нисбатан салбий муносабатни шакллантиради. *Шам ёқилган уй ҳиди* концепти эса Бўрихоннинг христианликни қабул қилганига ишора қилади. Она хаёлида христианлар бажарадиган амаллардан бири бўлган черковдаги ибодат концепти гавдаланади. Муаллиф, қаҳрамон ва китобхон онгида ушбу концептлар ҳид феномени орқали умумийлашади.

Ҳид феномени тиббиёт соҳасида ҳам амалиётга татбиқ қилинган ҳодисалар сифатида тан олинган. Гиппократ, Тамино, Крито ҳамда Абу Али ибн Синолар тана ҳидлари ёрдамида бемор касалликларини аниқлаганлар, шунингдек, мураккаб касалликлар: ўлат ва бошқаларни даволашда турли ифорлардан фойдаланганлар²⁶.

Бобнинг учинчи фасли **“Ольфактор парадигма ва гносеологик структура”** деб номланган. Инсон тафаккури турли сигналлар ёрдамида ахборотни қабул қилади, тасаввур ёрдамида жамланган фикрлар эса коммуникациянинг ранг-баранг воситалари билан ифодаланади. Онгдаги ментал бирликнинг функционал-услубий ҳамда поэтик тасвирида лисоний ва нолисоний воситаларнинг ўрни муҳимдир. Инсон ҳид билув сезгиси ёрдамида ҳам атрофидагилар билан ўзаро мулоқотга киришади, “сўзлашади”, ўзаро “фикрлашади”. Ҳид билув сезгиси фаолиятида ҳам бошқа эшитиш ва кўриш сезгилари каби маълумотларни марказий нерв системасига узатиш функцияларини бажариш ҳамда маълумотларни онгда ассоциация қилиш,

²⁶ Мансурова А.Х. Репрезентация ольфакторного пространство в английском и татарском языках. Дисс. ... канд. филол.наук. – Казан, 2016. – С.11.

айни пайтда, бу воситалар орқали маъно ифодалаш, маълум воқеаларга ишора қилиш, коммуникантларга хос хусусиятларни кўрсатиш ҳолатлари кузатилади. Мулоқотнинг бундай ифода шакли новербал воситалар тизимига мансуб бўлиб, улар тилшуносликда ольфактор лингвистика деб номланади.

Ҳид сезгиси фаолияти бурун ҳаракатларида кўзга ташланади, нохуш хидлар салбий модусни, ёқимли ислар эса сўзлашувчиларнинг ижобий модусларини юзага чиқаради. Ёзувчи ҳид орқали шахс сифатлари, характери ва воқеа-ҳодисаларни хотирлаш билан боғлиқ сюжетларни вербал тасвирлайди:

1) маъно ифодаси ...*Қиз бориб айвон даҳанасига ўтирди. Мен унинг рўбарўсида – ариқ лабига чўнқайдим... Қиз мраммардай билакларигача шимариб қўйилган қўйлак енглари орасидан кичик шоҳи рўмолчасини олиб, бурун учлари, дудоқ устларига қўнган шабнамдай тоза терларни арта бошлади. Рўмолчадан сувга ивтилган қалампирмунчоқнинг ҳиди бурқиб кетди. Мачит бино бўлгандан буён бу ерга муҳаббат ва балозат ҳиди биринчи марта тарқалган бўлса керак. (Ғафур Ғулом, “Ёдгор” қиссаси).*

Матнда муаллиф **қалампирмунчоқ хиди** орқали қаҳрамонни гўёки муҳаббат оламига бошлайди ва бу хид асар қаҳрамонига ўзгача таъсир қилади. Меҳрихоннинг мақсадидан мутлақо беҳабар бўлган Жўравой аллақандай ширин хаёллар оғушига тушиб қолади. Мазкур контекстда қалампирмунчоқ хиди орқали **муҳаббат ва балозат** маъноси ифодаланади.

...Жувон яна бир марта мачит саҳнида қалампирмунчоқ ҳиди бурқитиб, рўмолчасини ёзди. Жингала киприкларига илиниб қолган ёш доналарини артди. Ярим ўксик оҳанг билан: “Бир неча кундан бери пойлаб юриб, эримнинг паспортини ўғирлаб чиқдим. Мана шуни олиб бирор соатга менинг эрим бўлиб турасиз”, – деди. – Яъни қандай? Менинг бу ерда хизматим нимадан иборат бўлади? Жувоннинг юзидаги қайгулар ўрнини ярим алдовчи муғомбир табассум эгаллади: – Гўё менинг эрим бўласизу ЗАГСга бориб, мени талоқ қўясиз...– Жуда алланечук бўлиб кетдим. Ҳалигина тўлқинлари билан овунтирган ариқча терс оқаётгандай бўлди. – Сувга ивтилган қалампирмунчоқнинг ҳиди саримсоқ каби меъдага теккандай бўлди (49-б).

Меҳрихоннинг айёрона режасини идрок қилар экан, тарвузи қўлтиғидан тушган қаҳрамоннинг руҳий ҳолатида бирданига ўзгариш содир бўлади, бироз аввал **муҳаббат ва балозат** маъносини ифодалаётган хид феномени саримсоқнинг ёқимсиз исига айланади. Бу ўринда хид, яъни ольфактор бирликлар коммуникатив муносабатни юзага чиқарувчи асосий восита ҳисобланади.

Бобнинг тўртинчи фасли **“Ольфактор коммуникация таснифи”** деб номланади. “НOVERбал ифода воситалари парадигмасига тааллуқли илмий йўналишлардан бири ольфактор системадир. Бу соҳа мускус ва хид билан боғлиқ ахборотларни ифодалаш ёки қабул қилиш каби новербал мазмуний структурадан иборат бўлади. Бу йўналишга оид масалалар Н.Л.Зыховская,

Н.А.Рогачова, Э.В.Кельметр, М.В.Одинцова, Д.Н.Галлерт, Т.И.Бельская, Ю.А.Старостина²⁷ каби олимлар томонидан ўрганилган.

И.А.Котеневанинг ҳид муаммолари масалаларига бағишланган диссертациясида ҳид категорияси билан боғлиқ номинатив фаолиятнинг когнитив жараёнларга алоқадор хусусиятлари очиб берилди. Мазкур ишда ольфактор маълумот ифодаловчи номинатив бирликларнинг уч тури ажратилди: лексик номинатив тип, пропозитив номинатив тип, матн орқали ифодаланувчи дискурсив номинантлар. Ишда ольфактор бирликларга хос маъноларнинг синтагматик ва парадигматик тизимдаги алоқадорлиги таҳлилга тортилади, предмет ҳиднинг манбаси ва ҳидни қабул қилувчи шахснинг унга муносабати компонент усул билан таҳлил қилинади. Ольфактор семантикага оид отлар, сифатлар, феълларнинг репрезентатив функцияси ва аксиологик таркиби ўрганилади²⁸.

В.В.Мамцева ўзининг номзодлик диссертацияси²⁹да романтик дискурснинг ольфактор репрезентацияси масалаларини тадқиқ этади. Муаллиф ольфактор репрезентациянинг лисоний категорияси, ольфактор ходисаларни ифодаловчи лисоний восита ва усуллар, романтик дискурда ольфакторлик репрезентацияси моҳияти каби масалаларга тўхталади.

Ольфактор коммуникация ва унинг таснифига оид масалалар соҳанинг илмий парадигма сифатида шаклланишида муҳим ўрин тутди. Унда “...ҳид компонентлари келиб чиқиш асосига кўра турларга ажратилди. Ҳиднинг биринчи компоненти сифатида инсон генотиби билан боғлиқ бўлган индивидуал биологик ҳид кўрсатилади. Ҳиднинг иккинчи компоненти сифатида озиқ-овқат ва ичимликлар истеъмоли билан боғлиқ индивидуал ҳидлар берилди. Ҳид компонентининг учинчи тури ҳақида сўз борганда, кундалик турмуш тарзида фойдаланиладиган парфюмерия маҳсулотлари хиди назарда тутилади. Инсон териси ўзидан ҳид тарқатувчи воситалар сирасига кириши³⁰га алоҳида эътибор қаратилади. Бу концепция ольфактор системага оид бирликлар таснифи учун асосий тамойил бўлиб хизмат қилади.

²⁷Зыховская Н.Л. Ольфакторий русской прозы XIX века. Автореф. дисс. ...док. филол. наук. – Екатеринбург, 2016. – С.3; Рогачова Н.А. Ольфакторное пространство русской поэзии конца XIX – начало XX века: проблемы поэтики. – Тюмень: Изд-во Тюменского государственного университета, 2010; Рогачева Н.А., Кельметр Э.В. Ольфакторная образность в поэзии Иннокентия Анненского//Гуманитарные исследования. Humanitates. 2015, Том 1. № 1(1). – С.100-108; Одинцова М.В. Художественно-стилевая роль слов лексико-семантического поля "запах" в произведениях И.А. Бунина: аспекты номинации и предикации. Автореф.дисс....канд. филол. наук. – Москва, 2008. –28 с. <https://www.dissercat.com/content/khudozhestvenno-stilevaya-rol-slov-leksiko-semanticheskogo-polya-zapakh-v-proizvedeniyakh-ia>. Мурожаат санаси: 1.02.2022; Галлерт Д.Н. Способы выражения категории «запах» в современном английском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Москва 2009. –27 с.; Бельская Т.И. Средства актуализации опорных концептов парфюмерного дискурса современного французского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2010. –26 с.; Старостина Ю.А. Метафора как средство языковой реализации концепта “запах” (на материале романа Патрика Зюскинда “Парфюмер. История одного убийцы”). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2010. – С.22.

²⁸ Котенева И.А. Номинация запаха во французском языке. Дисс.канд.филол.наук. – Воронеж, 2006. – С.181.

²⁹ Мамцева В.В. Репрезентация ольфакторности в романтическом дискурсе: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук.– Санкт-Петербург, 2018. – С.159.

³⁰ Бутовская М.Л. Язык и тела: природа и культура. – Москва: Научный мир, 2004. – С.32.

Тадқиқотнинг “Креолизатив матнда новербал воситалар лингвопоэтикаси” деб номланган учинчи бобида новербал воситаларнинг эмотив ва лингвопоэтик тадқиқи, креолизатив матнларда ольфактор бирликлар функциялари, ольфактор воситаларнинг паралингвопоэтик хусусиятлари, ольфактор метафора кабилар хусусида фикр юритилади.

Бобнинг биринчи фасли “**НOVERBAL ВОСИТАЛАРНИНГ ЭМОТИВ ВА ЛИНГВОПОЭТИК ТАДҚИҚИ**” деб номланади. Тилшунослар 80-йилларнинг охиридан бошлаб когнитивистика, 90-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб лингвокультурология, XXI асрда эса эмоционал лингвистика масалаларига қизиқа бошладилар. Ифода шакли билан тилдан кескин фарқланувчи, бироқ тил сатҳи бирликларига мос тарзда рамзий ҳамда эмотив маъно ифодаловчи “...новербал воситалар тилшуносликнинг таркибий қисми”³¹ эканлиги эътироф этила бошланди. Эмоция дастлаб новербал воситаларда намоён бўлади, сўнгра инсон онгида репрезентацияланган эмоционал концептлар лисоний воситалар билан вербаллашади. Иккинчидан, мулоқот жараёнида эмоция ифодаловчи воситалар реципент мақсадига хизмат қилиши керак. Бадиий матнда эмоция ифодаловчи воситаларнинг ўз ўрни бўлади. Айниқса, бадиий матнда ольфактор воситалар бажарадиган бундай вазифани бошқа ифода воситалари бажара олмайди. Масалан: *Вазира сумкасини хазон устига иргитиб, чамбарак қилиб олган сочини ечиб юборди-да, бошини бир силкиб, кўксига тушган икки ўрим сочини елка ошириб орқасига ташлади.*

Шунда бирдан галати, жуда ҳам галати ҳид, фақат эҳтирос қонини гупиртирадиган, навқирон аёл кишидагина бўладиган бир ҳид атрофни тутиб кетди. Бу ҳид Азизхоннинг бошини айлантирди... Кўзлари тиниб кетди.

Вазира унинг ҳолатини сезиб турарди. У шундай бўлишини аввалдан билар, шу пайтгача ўзини бепарво тутишга уринган, илтижоларини назарига илмай қийнаган йигит юрагига ўт солмоқчи, қийнаб-қийнаб ўзига бўйсундурмоқчи эди. Азизхон сеҳрлангандай ундан кўз ололмай турарди...

Азизхон икки қўлини орқага тираганича қимирлаёлмасди. Вазира сумкасини олди. Очиб, ичидан чети гажимли қулупнайгул рўмолча чиқарди-да, терлаган пешоналарини артди. Энди атир ҳиди ҳамма ёқни тутиб кетди (С.Аҳмад, “Уфқ”, 232- б.).

Ольфактор тизимга оид бирликлар бадиий матнда интим мулоқотнинг ифода воситаси сифатида қўлланади. Реципиент коммуникантлар ўртасидаги мулоқот тили сифатида ольфактор воситалардан фойдаланар экан, уларни “романтик дискурс”³² фонида вербаллаштиради. Бу ўринда ольфактор воситалар ёрдамида амалга оширилган мулоқот иштирокчиларининг эмоционал ҳолатини бошқа ифода воситалари билан бериб бўлмайди.

³¹ Нурмонов А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари ҳақида.– Андижон 1980.

³² Мамцева В.В. Репрезентация ольфакторности в романтическом дискурсе. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2018. – С.159.

Бобнинг иккинчи фасли **“Креолизатив матнларда ольфактор бирликлар функциялари”** деб номланган. Ишнинг мазкур қисмида экстралингвистик ифода воситаларининг насл ва назмдаги коммуникатив, экспрессив, эмотив, поэтик, модал, дейктик функциялари ва уларнинг вербаллашуви масалалари хусусида сўз юритилади.

Учинчи бобнинг **“Ольфактор воситаларнинг паралингвопоэтик хусусиятлари”** деб номланган учинчи фаслида ольфактор воситаларнинг паралингвопоэтик хусусиятлари, уларнинг бадий матнда қўлланиши ҳақида сўз боради. Тил сатҳларига оид ҳар бир лисоний восита бадий асарда поэтик функция бажаради. Лингвистик поэтика ҳақидаги назария мавжуд экан, юқоридаги таъриф ва моделларга асосан “паралингвистик воситалар поэтикаси”, “паралингвопоэтика”, “новербал воситалар лингвопоэтикаси” (терминлар бизники – М.Б.) каби терминлар ҳам лингвопоэтика парадигмасининг ёндош қисми сифатида эътироф этилиши мумкин. Паралингвистик воситалар ҳам худди лингвистик бирликлар сингари бадий матнда поэтик функция бажариши, ижодкор назарда тутган ғояларни ифодалаши, семиологик ҳодиса сифатида ахборот ифодалай олиши, бадий матнга ўзига хос поэтик бўёқ бериши ва асарнинг бадийлигини таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

Д.П.Екименкова бадий матндаги ҳид билан боғлиқ адабий эпизодлар ҳақида: “...инсоннинг ҳид билиш қобилияти ҳид феномени билан боғлиқ воқеаларни эсга солади”, деган эди. У ҳидга асосланган пейзаж, ҳидга асосланган хотира” каби терминларни қўллайди. Олиманинг таъкидлашича, А.С.Пушкин асарлари учун атиргул, И.С.Тургенов ижоди учун жасмин, И.А.Бунин поэтикаси учун эса олма ва асал ҳидлари доминант структура³³ саналади. Олиб борган изланишларимиз ҳамда кузатишларимизга асосан ўзбек адабиётида Ғ.Ғулом асарларида қалампирмунчоқ, С.Аҳмад романларида атир, У. Ҳамдам ижодида исиріқ ҳиди, Т.Малик асарларида ольфактор метафора билан боғлиқ сюжетлар кўзга ташланади. Демак, ҳид феномени бадий матнда муаллиф назарда тутган ғояларни очишга йўналтирилади. Бадий матнда ёзувчи бундай воситалардан фойдаланар экан, китобхон тасаввурида “ҳидга асосланган хотира” (“обонятельная память”) эсга тушади. Ҳид ифодаловчи воситалар мулоқот иштирокчилари ҳаётида аввал рўй берган воқеаларни эслатади. Илмий тилда ана шу воқеалар билан боғлиқ ҳудуд ольфактор макон деб ҳам номланади. Ольфактор системага хос макон тушунчаси илмий манбаларда қуйидагича изоҳланади: “...ҳид таралаётган буюм, шахс манбасидан ҳидни ҳис қилаётган шахсга қадар бўлган чегара ҳидга хос ольфактор макон деб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ҳид доирасида ольфактор макон чегараси дифференциацияланади”³⁴.

³³ Екименкова Д.П. Чувство обоняния как объект междисциплинарного исследования//известия СПбГЭТУ “ЛЭТИ”, № 8/2014. – С.100.

³⁴ Котенева И.А. Номинация запаха во французском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Воронеж, 2006. – С.18.

Новербал воситалар лингвопоэтикаси уларнинг дейктик функцияларида кўзга ташланади. Ольфактор воситаларда ҳам алоқа-аралашув, эмоционал-экспрессив ва ишора қилиш каби дейктик функцияларга хосланиш кузатилади. Дейктик хусусиятли паралингвистик воситаларни *ишорага хосланган* ва *тавсифловчи паралингвистик воситалар* гуруҳларига ажратиш мумкин. Новербал дейксиснинг модал, социал, дискурс каби турлари ҳам мавжуд. Ольфактор дейксисда ҳид сезгиси асосидаги ассоциациялар ёрдамида ўтмишдаги воқеаларга ишора қилиш кўзга ташланади. Масалан: *...Овқатдан сўнг Юсуф болалари билан ўзларига ажратилган, исирик ҳиди гуниллаб турган хонага кирди-ю, юраги бир орзиқиб тушди. Хаёл уни болалиги сари етаклади. Ҳар сафар ташқарида қор ўйнаб, усти-боши шалаббо бўлиб қайтганида худди шу хонага кирар ва анави пастаккина печканинг ёнбошига суянганича анча вақт исиниб ўтирарди. Ҳозир ҳам ўша жойга ўтириб олди...* (Улуғбек Ҳамдам, *Мувозанат*, 45- б.)

Мазкур парчада исирик ҳид хотира, яъни ёшлик давридаги воқеаларга ишора қилади. Тафаккурда Юсуфнинг болалик хотиралари уйғонади. Болалар билан қорбўрон ўйнаганлари, ўйин қизиб кетганидан ўз зиммасига юкланган кундалик юмушларини унутгани, ўйин сўнггида Парпи билан муштлашиб, кўзи кўкаргани, уйга қайтгач, онасидан дакки эшитиб, яна ўша исирик ҳиди келиб турадиган хонада кўзи остига шўр пахта босиб ўтирганларини эслайди.

Бундай бирликлар ҳид феномени билан боғлиқ маконни чегаралайди, ольфактор макон ҳудудини, ольфактор макон билан боғлиқ воқеалар ҳудудини белгилайди. Ольфактор воситалар семантик ва эстетик жиҳатдан алоҳида хусусиятларга эга бўлади. Коммуникантларнинг ҳидга асосланган мулоқотида уларнинг ҳатти-ҳаракати, феъл-атвори билан боғлиқ ахборотлар ифодаланади.

...Меҳрихонга қарадим. Бу – ўша алдамчи, бевафо кўзлар, бу – ўша бир кулгуси билан мачит тарновидан мусичаларни чўчишиб учирган ёқут лаблар... Меҳрихон йиғидан бўртиниб кетган кўзини ипак дастрўмолчаси билан артиб олди. Уйнинг ичига сувга ивитилган қалампирмунчоқ ҳиди бурқиб кетди.

Мен ўзимни бундан етти йил илгари боғ мачитида деб ҳис қилар эдим. Ниҳоят, ўзимни қўлга олдим. Ўртоғим менинг тинчланганимни кўриб, хотинини қистай бошлади: – Меҳрихон, ҳой Меҳрихон! Кел, қўй, энди, соппа-саломат бўлса, ўйнаб-кулиб катта бўлиб қолгандир, ўлиб кетган бўлса, айб эски турмушнинг кишиларга кафан бичишида. Мана бу ўртоғим – доктор, ўзимизнинг ҳамшаҳар. Бу кишининг феъл-атвори менга жуда ёқиб тушди. Жуда улфат йигит экан. Сен ўша етти йил ичингда яшириб келган сирингни шу бугун очиб бер. Шу билан бу ҳикояга гўр қазийлик-да, юрагимиздан сидириб ташлайлик...

Бутун кучимни икки кўзимга йиғдим-да, унинг бевафо, бироқ замгин, шўх, лекин маъюс кўзларига тикилдим:

– Бировга ҳеч холис хизмат қилиб ўрганганмисиз?

Меҳрихон менга жуда қаттиқ термилди. Андиша оёқ ости бўлди, ору номус бир пул!

– *Ўша сизмисиз? Тўғри, сизсиз...*

У мени маҳкам қучоқлади ва ҳушидан кетди... (Ғ.Ғулом, “Ёдгор, 91-92-б)

Қиссада учинчи марта ишлатилаётган қалампирмунчоқ ҳиди Жўравойнинг етти йиллик хотираларини уйғотиб юборади. Муаллиф қиссада қалампирмунчоқ ҳиди орқали уч хил маънони китобхонга уқтирмоқчи бўлади ва бунга эришади. Ҳидга асосланган хотирани **сувга ивтилган қалампирмунчоқнинг ҳиди** уйғотади. Бу ҳид дастлаб боғ мачити, сўнгра Меҳрихон касал бўлиб ётган уй каби ольфактор маконни эслатади. Ҳид фонида содир бўлган воқеалар қаҳрамон кўз олдида гавдаланади. Ҳид новербал воситалардан бири сифатида ижодкор томонидан вербал шаклга ўгирилади. Воқеаларнинг мукамал тасвири учун ёзувчи вербал ва новербал воситаларни ўрни билан алмаштириб қўллайди. Бу эса новербал воситаларнинг хотира билан боғлиқ дейктик функциясининг вербал воситаларда ҳам кузатилишидан далолат беради. Бу юқоридаги парчада берилган **Бировга ҳеч ҳолис хизмат қилиб ўрганганмисиз?** жумласидаги Меҳрихон томонидан етти йил аввал Жўравойга айтилган вербал шаклдир. **Мен ўзимни бундан етти йил илгари боғ мачитида деб ҳис қилар эдим** жумласи эса ҳид феномени билан боғлиқ новербал воситаларнинг вербаллашувиدير. Паралингвистик воситаларнинг поэтик функциялари семиологик белгилар негизида амалга оширилади. Новербал воситалар бадий матнда хилма-хил паралингвопоэтик хусусиятни намоён қилади. Улар бадий ифода имкониятларига кўлам бағишлайдиган, матннинг эстетик таъсир қувватини оширадиган восита сифатида паралингвопоэтик тадқиқотлар учун бой материал бера олади. Айниқса, ҳид феномени бадий матнда ўзига хос экспрессив майдонни ташкил қила оладиган ифода воситалари сифатида воқеликни образли тасвирлашга хизмат қилади. Улар мулоқот жараёнида ёки бадий асарда сюжет мукамаллиги, қаҳрамонлар тафаккурига хос ранг-баранг бадийлик модуслари, поэтик жўр овозлиликни таъминловчи нолисоний воситалар сифатида гавдаланади.

Учинчи бобнинг тўртинчи фасли **“Ольфактор метафора”** деб номланиб, унда ольфактор воситаларнинг денотатив ва коннотатив маънолари ҳақида сўз боради. Лингвистик нуқтаи назарга кўра метафора ольфактор тизимга турфа ҳидлар оламига оид тушунчалар ифодаси учун “лексик лакуна”³⁵, яъни сўзларнинг етишмаслиги натижасида кириб келди. Ҳақиқатан ҳам, ольфактор тизимга алоқадор номемалар танқислиги туфайли улар мунтазам равишда ўз аниқловчиси билан қўлланиши кузатилади. Шу маънода ўхшашлик асосида сўз маъноларининг кўчиши ҳақидаги назария ольфактор тизимга оид луғавий бирликлар тақчиллигини тўлдиришда муҳим ўрин тутади. Ольфактор метафора тушунчасида ҳид белгиларига асосланган

³⁵ Худойбергана Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. – Б.44.

сўз маъноларининг кўчиши назарда тутилади. Ольфактор метафорага оид изланиш³⁶ларда бадий матндаги ҳид концепти билан боғлиқ тасаввурларнинг метафорик моделлари ва уларнинг турлари ажратилади. Жумладан, метафоранинг синестетик, биоморф, натураморф ва артефакт каби таснифи берилади. Синестетик термини (грекча *syn aesthesis* – “бирга”+”сезги”) икки ва ундан ортиқ сезги аъзолари ифодалаган тушунчаларнинг ўхшашлик белгилари билан бирга қўлланишидир. Синестетик термини новербал семиотика системасидаги коммуникация бирликларининг биргаликда қўлланиши билан боғлиқ ҳодиса сифатида илмий ҳаётга кириб келди. Лингвистикага оид илмий адабиётларда “Бир сезиш аъзоси билан билинадиган белгини англатадиган сўзни бошқа сезиш аъзоси билан билинадиган тушунчага нисбатан қўллаш йўли билан юзага келадиган кўчма маънолар синестетик метафора”³⁷, деб изоҳланади. Синестетик метафора модели беш сезги аъзоларининг иштирокига кўра ички турларга бўлинади. Бу ички моделлар қуйидаги гуруҳлардан ташкил топади: «Ҳар бир модел доирасида метафораларнинг турлича лексик-семантик кўринишлари намоён бўлади. Синестетик метафоранинг кўриш – ҳидлаш, сезги – ҳид, таъм – ҳид, эшитиш – ҳид, сезги – таъм – ҳид, таъм – кўриш – ҳид, сезги – кўриш – таъм – ҳид каби семантик ёндош шакллари»³⁸ ажратилади. Масалан,

*Кўзимда кўк, осмон иси, осмон иси – уммон иси,
Юзимда зар сомон иси, шулдир, Малик – ҳижрон иси,
Бу дайрнинг олтун, миси бир ён, келур комрон иси,
Дединг топиб жонон иси, топтим лабидин жон иси,
Келур бу сўздан қон иси, тинма, Навоий, асра дам.*

(Ақром Малик, “Топтим лабидин жон иси”)

Юқоридаги мисраларда ольфактор тизимга оид *ис* сўзи берилган бўлиб, у контекстуал сатрларда *осмон иси* (кўриш – ҳидлаш), *уммон иси* (кўриш – ҳидлаш), *сомон иси* (кўриш – ҳидлаш), *ҳижрон иси* (сезги (идрок) – ҳид), *комрон иси* (сезги (идрок)-ҳид), *жонон иси* (сезги – кўриш – ҳид), *жон иси* (сезги (идрок) – ҳид), *қон иси* (кўриш – ҳидлаш) каби синестетик метафора сифатида намоён бўлган. Айниқса, биринчи икки мисрада “*Кўзимда кўк, осмон иси, осмон иси – уммон иси, Юзимда зар сомон иси, шулдир, Малик – ҳижрон иси*” кўриш-ҳидлаш синестетик метафора модели қўлланилган.

³⁶ Старостина Ю.А. Метафора как средство языковой реализации концепта «Запах» (на материале романа П. Зюскинда «Парфюмер. История одного убийцы»). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2010. – 22 с.

³⁷ Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент: Алишер навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б.80.

³⁸ Старостина Ю.А. Метафора как средство языковой реализации концепта «Запах» (на материале романа П. Зюскинда «Парфюмер. История одного убийцы»). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2010. – 22 с.

ХУЛОСА

1. Мулоқот жараёни нафақат лисоний система бирликлари, балки нолисоний воситалар орқали ҳам амалга оширилади. Айниқса, новербал актлар коммуникация жараёнида сўзлашувчилар ўртасидаги ахборот алмашишнинг асосий усуллари билан саналади. Мулоқот жараёнида сўзлашувчилар ўзаро ахборот алмашишда лисоний ва нолисоний бирликлардан параллел равишда фойдаланадилар. Коммуникация назариясида турли система элементларининг муштарак қўлланилиши матнда креолизатив структурани ташкил қилади.

2. Паралингвистика коммуникация тизимида алоқадор ифода воситаларини ўрганувчи фан соҳаси бўлиб, у нутқ мазмунини компенсациялайдиган иккиламчи паратовуш ва параграфем экстралингвистик кодлар тадқиқи билан шуғулланувчи йўналишидир.

3. Новербал коммуникациянинг ифода воситаларига оид масалаларни ўрганувчи соҳаларнинг ажратилиши бу борадаги қатор тадқиқотларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Айниқса, ҳид сезгиси билан боғлиқ концептуал структура, ольфакция концепти билан намоён бўлувчи контекстуал структура, ольфактор тасаввур билан боғлиқ дискурсив контекст, ольфактор номинация ва ольфактор лисоний структура каби муаммолар бугун ўзбек тилшунослигида тадқиқ этилмаган долзарб масалалар сифатида ўз ечимини кутмоқда.

4. Новербал ифода шакллари барча сезги аъзоларининг фаолияти орқали амалга ошириши назарда тутилса, уларнинг структураси янада кенгайди. Бунда *сўз тили* парадигмасига *кўз, юз, ҳид, таъм, тана* тили каби ифода воситалари қўшилади. Бу воситалардан фойдаланиш орқали мулоқотга киришиш ахборот алмашишнинг энг қулай ва самарали усули саналади.

5. Инсонда ҳид билиш тизимининг мавжудлиги, ҳид билан боғлиқ белгиларнинг тасаввурда акс этиши, қабул қилиниши ҳамда ифодаланиши мулоқотнинг самарали кечишига хизмат қилади. Онда идрок қилинадиган хабарлар қаторида ольфактор ахборотлар ҳам янги ғоя ва фикрларнинг пайдо бўлишига туртки бўлади. Шунингдек, у вербал ифодалар билан бирга креолизатив матнларни ҳосил қилишда иштирок этади.

6. Креолизатив структурага асосланган бадий матнларнинг жозибадорлиги ва қаҳрамонларнинг бор бўлиши билан тасвирланиши новербал ифода шаклларининг ўзига хос вербал репрезентациясига боғлиқдир. Бадий матнда турли-туман воситалардан фойдаланиш реципиентнинг поэтик имкониятларини янада кенгайтиради, бадий матн тили ва услубини тиниқлаштиради, ғоя ва сюжет мукамаллигини таъминлайди, қаҳрамонлар ва персонажларга хос индивидуал хусусиятларни намоён қилади. Асар муаллифи, образ ва персонажлар дунёқараши ҳамда характери билан боғлиқ паралингвопоэтик, парааксиологик, параэмоционал структураларга тааллуқли бўлган шахс, макон, замон, ижтимоий ва бошқа шу каби модусларни ифодалашга хизмат қилади.

7. Тана тили новербал ифода тури сифатида бадий матнда қўлланиш амалиёти жиҳатидан вербал воситаларга нисбатан таъсирчан форма шаклидир. У матн муаллифининг образли тафаккури ёрдамида идрок қилинади, тасаввурга асосланган мушоҳада ва ғоялар концептга айланади, концептнинг лисоний воқеланиши предмет, нарса, буюм, ҳодисалар ва лисоний бирликларнинг ўзаро референцияланиши асосида юз беради. Референцияланиш ҳодисаси лисоний ифодалар қийматининг тил, паратил ва метатил соҳиблари учун умумий бўлган тасаввур меъёридир.

8. Мавжуд етти мингга яқин табиий тилларнинг бирортасида турли-туман ҳидлар ўз номи билан юритилмайди. Шунинг учун ҳам ҳид ва уни аташ билан боғлиқ онтологик соҳа ҳисобланган номинация назариясида уч концепция мавжуд. Бу қарашга кўра борликдаги ҳидлар лексик бирликлар, пропозитив структура, матн билан ифодаланади. Шунинг учун ҳам образли ольфактор тафаккур мулоқот иштирокчилари тасаввурида тез ва тенг репрезентацияланади.

9. Новербал система элементлари коммуникантлар ахлоқини белгиловчи тизим сифатида қаралади. Ҳид феномени бадий матнда ғоя ифодаси, сюжет мукамаллиги, характер тасвири, персонаж руҳияти, шахс хусусияти, тилшуносликда антропоцентрик концепция омили, метатил воситаси, новербал системанинг ўзига хос йўналиши, дискурсив структура элементи, концептуал структура генезисининг таркибий қисми, эмотив структуранинг бирламчи манбаси бўлиб хизмат қилади.

10. Новербал воситалар бадий матнда хилма-хил паралингвопоэтик хусусиятни намоён қилади. Улар бадий ифода имкониятларига кўлам бағишлайдиган, матннинг эстетик таъсир қувватини оширадиган восита сифатида паралингвопоэтик тадқиқотлар учун бой материал бера олади. Айниқса, ҳид феномени бадий матнда ўзига хос экспрессив майдонни ташкил қила оладиган ифода воситалари сифатида воқеликни образли тасвирлашга хизмат қилади. Улар мулоқот жараёнида ёки бадий асарда сюжет мукамаллиги, қаҳрамонлар тафаккурига хос ранг-баранг бадийлик модуллари, поэтик жўр овозлиликни таъминловчи нолисоний воситалар сифатида гавдаланади.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREE
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 AT FERGHANA STATE UNIVERSITY**

FERGHANA STATE UNIVERSITY

BURKHANOVA MASHKHURA MUKHAMMAD KIZI

PARALINGUOPOETIC STUDY OF CREOLIZATIVE TEXTS

10.00.01 – Uzbek language

**DISSERTATION ABSTRACT FOR DOCTOR OF PHILOSOPHY IN PHILOLOGICAL
SCIENCES (PhD)**

Ferghana - 2022

The theme of PhD dissertation is registered by Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministry of the Republic of Uzbekistan under the number №B2021.4.PhD/Fil2036

The dissertation has been prepared at the chair of Uzbek linguistics of Ferghana State University.

The abstract of the PhD dissertation is posted in three (Uzbek, English and Russian (Resume)) languages on the website of the Scientific Council (www.fdu.uz) and on the website «ZiyoNet» Information-educational portal (www.ziynet.uz)

Scientific consultant: **Rozikova Gulbakhor Zaylobidinovna**
Doctor of Philological sciences, Docent

Official opponents: **Nabiyeva Dilora Abdulhamidovna**
Doctor of Philological sciences, Professor

Xudoyberganova Durdona Sidikovna
Doctor of Philological sciences, Professor


Leading organization: **Tashkent State University of Uzbek Language and Literature**

Defense of the Dissertation will take place on «29» 06 2022, at 09:00 p.m. at a meeting of Scientific Council DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 under Ferghana State University (Address: 19, Murabbiylar Street, Ferghana, 100151. Tel: (99873) 244-44-29; fax: (873) 244-66-03; e-mail: fardu_info@umail.uz).

Dissertation could be reviewed information-resource center of Ferghana State University (registration number 166). Address: 19. Murabbiylar Street, Ferghana, 100151, Tel.: (99873) 244-44-02.

Dissertation abstract sent out on «15» 06 2022.

(Mailing report number 48 on «15» 06 2022).



Sh.M.Iskandarova
Chairman of Scientific Council Awarding scientific degree, Doctor of Philological sciences, Professor

M.T.Zokirov
Secretary of Scientific Council Awarding scientific degree, Candidate of sciences, docent

A.B.Mamajonov
Chairman of Scientific Seminar at the Scientific Council awarding scientific degree, Doctor of Philological sciences, Professor

INTRODUCTION

The actuality and significance of the dissertation work. In the world linguistics, issues of structural integrity of creolization units of the text, conceptual foundations of the paralinguistic system and the role of gnoseological paradigm in communication of interlocutors are widely studied. Therefore, in modern linguistics special attention is paid to the definition of the semiotic nature of non-verbal means, their classification and systematization on the basis of semiological principles, cognitive bases of olfactory representation in non-verbal semiotic system, formation of olfactory phenomena and conceptual paradigms and their paralinguopoetic analysis.

In the world linguistics, attention is being paid to such issues as linguistics, paralinguistics, which is closely connected with it, in particular, the role of non-verbal semiotic means in the communication process, their general expression in communication. The study of olfactory means in a communication aspect is related to the definition of their conceptual basis. In the process of communication, these means, like other units of expression, have their own representative basis, which is formed on the basis of cognitive principles. Representative and linguistic expression of concepts related to olfactory system are relevant, in particular, to the memory based on the sense of smell in the imagination of man, the study of dexterous and linguistic characteristics.

Today, Uzbek linguists have made great progress in studying the verbal system of communication. However, although a number of studies have been carried out on the non-verbal system of communication, it cannot be said that the creolization functions of the means of expression have been fully studied. This is evidenced by the fact that the scientific literature retains different views on the interpretation and classification of non-verbal means. This situation requires a semiotic approach to non-verbal expression. As «...the wealth of our native language, its respect and love for it should be shown through introducing our language to the world»³⁹. The language reforms in our country and a number of laws and regulations on the Uzbek language are giving rise to a new phase of scientific research in this area. Identification and study of cognitive mechanisms of formation of these means will serve full coverage of the issues of communication theory, as well as strengthen the scientific basis of views on non-verbal semiotics, improve the general research of the field.

The given dissertation has been fulfilled according to the requirements of the following laws and regularities as PD-4797 of the President of the Republic of Uzbekistan from May 13, 2016 «On the establishment of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi», PD-4947 from February 7, 2017 «On the Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan», Resolution PD-6097 of 29 October 2006 «On approval of the Concept of Development of Science until 2030»; PD-2789 of 17 February

³⁹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчилари билан суҳбатидан / <https://sputniknews-uz.com>

2017 «On measures to further improve the activities of the Academy of Sciences, organization, organization and financing of scientific research»; PD-2909 of 20 April 2017 «On measures for the further development of the higher education system».

The appropriateness of the research to the prior directions of the development of science and technologies. The research of the thesis was carried out in accordance with the priority of development of science and technology of the republic I. «Formation of a system of innovative ideas and ways of their implementation in the social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of an informed society and democracy».

The scope of study of the problem. The study of questions related to the creolization use of means of expression in the world linguistics has a long history. In the world linguistics, issues of approach to non-verbal means from a semiotic point of view were studied in relation to cognitive process. The process of cognition is a complex structure, consisting in understanding the world with the help of the senses of the person. Through these feelings man communicates with the universe and man. The essence of the gnoseological structure consists in a different relationship of man with the universe, consisting of understanding and comprehension. Man's perception of the universe, the knowledge and skills accumulated as a result of his perception, form the basis of the sciences.

Development of science in the world linguistics have been shown in the views of Kolshansky G.V., Nikolayeva T.M., Uspensky B.A., Gorelov I.N., Kreidlin G.E., Butovskaya⁴⁰; in Uzbek linguistics in the works of N.Mahmudov, A.Mamadjonov, Sh.Safarov, S.Muminov, Sh.Iskandarova, D.Lutfullayeva, M.Khakimova, D.Khudoberganova, M.Saidkhonov, B.Ahmedov⁴¹.

The research of the linguists who were engaged in the works in the field of olfactory system as H.Rindisbacher, N.A.Trofimova, N.L.Zykhovskaya, V.V.Mamtseva, N.A.Rogacheva, A.V.Kiselyova, I.A.Koteneva, M.A.Epaneshnikova, M.M.Pirogovskaya, N.S.Pavlova, A.V.Hallstein, Y. A. Starostina⁴² became the conceptual bases for the given dissertation work.

⁴⁰ Колшанский Г.В. Паралингвистика. – Москва: Наука, 1974; Крейдлин Г.Е. Невербальная семиотика в ее соотношении с вербальной. Дисс. ...док. филол. наук. – М., 2000; Бутовская М.Л. Язык тела: природа и культура (эволюционные и кросс культурные основы невербальной коммуникация человека). – Москва: Научный мир, 2004.

⁴¹ Нурмонов А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари ҳақида. – Андижон, 1980; Мамажонов А. Текст лингвистикаси. – Тошкент, 1989; Махмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2017; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006; Искандарова Ш.М. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари Филол.фан.номз. ... дисс.автореф.– Самарқанд, 1993; Мўминов.С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Филол.фан.док. ... дисс.автореф. – Тошкент, 2000; Лутфуллаева Д.Э. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент, 2017; Ҳакимов М.Х. Прагмалингвистика асослари. –Тошкент, 2020; Худойберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини. Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2015; Саидхонов М. Новербал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1993. –Б.10-17; Юлдашев Н. Паралингвистика. – Нукус, 2011. – С.39; Аҳмедов Б.Р. Паралингвистик воситаларнинг гендерологик ва прагматик тадқиқи. Филол.фан.бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. – Андижон, 2021. –145 б.

⁴²Rindisbacher H. The Smell of Books: A Cultural-Historical Study of Olfactory Perception in Literature. Ann Arbor: University of Michigan Press, 1992. –267 p.; Рогачева Н.А. Русская лирика рубежа XIX-XX веков: поэтика запаха: Автореф. дисс. ...док. филол. наук. – Екатеринбург, 2011. – С.52; Зыховская Н.Л.

The link of the topic of the dissertation work with the researches of the higher educational establishments. The research of the dissertation was carried out in accordance with the plan of research of Fergana State University in the direction of «Paralinguistic means of the Uzbek language».

The aim of the research is to verbalize the non-verbal means used in the process of communication in the artistic text, and to identify their paralinguopoetic features.

The tasks of the research:

determination of creolization composition of expressive means in the process of communication;

identification, differentiation, classification of content of non-verbal means on the basis of semiotic principles;

substantiation of historical and gnoseological essence of formation of scientific paradigm of olfactory system;

showing olfactory conceptual structure and cognitive basis of its linguistic representation;

